


# KONFERENSIYA

## "ZAMONAVIY TA'LIM TIZIMINI RIVOJLANTIRISH VA UNGA QARATILGAN KREATIV G'OYALAR, TAKLIFLAR VA YECHIMLAR"

@bestpublication | Street: Alisher Navoiy

FARG'ONA 2021

**«BEST PUBLICATION»**

*Ilm-ma'rifat markazi*

# "ZAMONAVIY TA'LIM TIZIMINI RIVOJLANTIRISH VA UNGA QARATILGAN KREATIV G'OYALAR, TAKLIFLAR VA YECHIMLAR" MAVZUSIDAGI 10-SONLI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ON-LINE KONFERENSIYASI

**MATERIALLARI TO'PLAMI**

**28-FEVRAL, 2021-YIL**

**10-SON**

# "DEVELOPMENT OF A MODERN EDUCATION SYSTEM AND CREATIVE IDEAS FOR IT, REPUBLICAN SCIENTIFIC-PRACTICAL ON-LINE CONFERENCE ON "SUGGESTIONS AND SOLUTIONS"

**28 FEBRUARY 2021**

**PART-10**

INDEX COPERNICUS INTERNATIONAL
НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ БИБЛИОТЕКА eLIBRARY.RU
doi digital object identifier
Google Scholar
CYBERLENINKA

| | |
|---|---|
| **РУССКИЙ ЯЗЫК В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ** | |
| Райхон Худойберганова, Муяссар Маткурбонова<br>**РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ РУССКОГО ЯЗЫКА В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ** | 95 |
| Эргашева Саида Абдурасуловн<br>**ЎЗБЕК ТИЛИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ АЗИЗ ВА БЕМИСЛ БОЙЛИГИДИР** | 98 |
| **PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA FANLARI** | |
| Abdullayeva Muhayyo Asatillayevna<br>**YOSHLARNI MA'NAVIY TARBIYALASHDA OILA VA KUTUBXONA HAMKORLIGI** | 102 |
| Абдуназаров Абдумутал Олимович, Зокиров Карим Маъруф ўғли, Юсупова Сабина Илхомовна<br>**КАР БОЛАЛАРНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ** | 105 |
| Atabayeva Sabohat Xushnudovna<br>**MAKTABGACHA TA'LIM YOSHIDAGI BOLALARNI UMUMINSONIY QADRIYATLAR ASOSIDA TARBIYALASH MASALALARI** | 108 |
| Nigora Bahodirova<br>**MUVAFFAQQIYATLI HAYOT UCHUN O'Z FORMULANGIZNI YARATING** | 111 |
| Karimova Sadoqat Erkinovna<br>Baytemirova Muqaddam Azatovna<br>**BOSHLANG'ICH TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA ZAMONAVIY YONDOSHUVLAR** | 113 |
| Pirnazarova Madina Faxriddin qizi<br>**DARS O'TISHDA ZAMONAVIY METODLARDAN FOYDALANIB DARS SAMARADORLIGINI OSHIRISH** | 116 |
| Dauletmuratova Ramuza Ablazizovna<br>**BOSHLANG'ICH TA'LIMNING YOSHLAR TARBIYASIDAGI O'RNI** | 119 |
| Davlatova Mijgona Suxrobovna<br>**MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASALARI TARBIYALANUVCHILARINING MATEMATIK BILIMLARINI RIVOJLANTIRUVCHI ELEKTRON KONTENTLAR YARATISH** | 122 |
| Ibragimova Umida Xurramovna<br>**BOSHLANG`ICH TA`LIMDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH YO`LLARI** | 125 |
| Imomova Malohat Haqberdiyevna<br>**BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIGA MASALALARNING TARBIYAVIY ROLI** | 127 |
| Jo'rayeva To'tiniso Hamidovna<br>**BOSHLANG'ICH TA'LIMNING SIFAT SAMARADORLIGINI OSHIRISH MASALASI** | 130 |
| Kurbonova Lola<br>**BOSHLANG'ICH TA'LIMNI TASHKIL ETISHDA INNOVATSION YONDASHUVLAR** | 132 |
| Berdiyeva Lobar Norqobulovna<br>**ONA TILI DARSLARINING SAMARADORLIGIDA O'QITUVCHI MAHORATI** | 134 |
| Mamatkarimov Xotamqul<br>Kushbakova Oltinoy<br>**AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANIB MATEMATIKA FANLARINI O'QITISH METODIKASI** | 136 |
| Lutfullayeva Yulduz Raupovna<br>**MATEMATIKA-INFORMATIKA FANLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INTERFAOL METODLAR** | 139 |
| Muminov Yuldoshali Xoldorovich<br>**KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI O'QUVCHINING PSIXOLOGIK RIVOJLANISH XUSUSIYATLARI** | 141 |
| Raxmatova Nodira Imomovna<br>**TA'LIM JARAYONIDA PEDAGOGIK MAHORATNING O'RNI** | 144 |
| Ochilov Og'abek Narzullayevich<br>**"AVESTO"DA TARBIYA MASALALARI** | 146 |
| Qurbonova Durdona G'olibjon qizi<br>**LOYIHALASH TEXNOLOGIYASI ASOSIDA O'SMIRLARNI IJODIY FIKRLASHGA O'RGATISH METODIKASI** | 148 |
| Quvondiqova Zarnigor<br>**BUGUNGI DAVR YOSHLARI** | 151 |
| Raximova Salomat Sadinovna<br>**BOSHLANG'ICH SINFLARDA MATEMATIKA O'QITISH METODLARI** | 153 |
| Razzaqova Najiba Ortiqovna<br>**BOSHLANG'ICH TA'LIMDA YOSHLAR TA'LIM-TARBIYASINING AHAMIYATI** | 156 |
| Turg'unova Dilfuza Hamidullo qizi<br>**MAKTAB O'QUVCHILARIDA KREATIVLIKNI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK TEXNOLOGIYASI** | 158 |
| Xasanova Shahnoza Shakarovna<br>**TIL TA'LIMIDA FANLARARO INTEGRATSIYADAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI** | 160 |
| Xojimatova Nasibaxon To'lqinovna<br>**BOSHLANG'ICH SINF DARSLARIDA MUAMMOLI METODDAN FOYDALANISH** | 163 |
| Zokirova Gulhayo Maqsud qizi<br>**BOSHLANG'ICH TA'LIM TIZIMINI SIFAT-SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA O'QITUVCHINING MAHORATI** | 166 |
| Рахмонова Гуллола Шавкатовна<br>**ТАЛАБАЛАР ТАРБИЯСИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ** | 169 |

# ТАЛАБАЛАР ТАРБИЯСИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

**Рахмонова Гуллола Шавкатовна**
*БухДУ "Мактабгача таълим" кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада талабаларда маънавий-ахлоқий тарбиянинг аҳамияти ва уни ривожлантириш усуллари, маънавий, маданий, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан етук мустақил фикрловчи баркамол авлод қилиб вояга етказишнинг илмий-услубий асослари ишлаб чиқилган.*

**Аннотация:** *В данной статье рассматриваются значение и методы духовно-нравственного воспитания учащихся, разрабатываются научно-методические основы воспитания духовно-культурного, нравственного, политического, правового, экономического, социального зрелого самостоятельного мыслящего гармоничного поколения.*

**Abstract:** *This article examines the meaning and methods of spiritual and moral education of students, develops scientific and methodological foundations for the education of spiritual and cultural, moral, political, legal, economic, social mature independent thinking harmonious generation.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *таълим ислохоти, талаба, ўқувчи-ёшлар, тарбия, маънавият, ахлоқ, маънавий-ахлоқий компетенция, ривожланиш, метод, йўналиш.*

**Ключевые слова и фразы**: *образовательная реформа, студент, молодежь, образование, духовность, этика, духовно-нравственная компетентность, развитие, метод, направление.*

**Key words and phrases**: *educational reform, student, student-youth, education, spirituality, ethics, spiritual-moral competence, development, method, direction.*

Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда давлатимизнинг асосий мақсадларидан бири келажак пойдевори бўлган ёшларни маънавий, маданий, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий етук мустақил фикрловчи баркамол авлод қилиб вояга етказишдир.

Миллий ва умуминсоний, маънавий-ахлоқий қадриятларни, бой моддий ва маънавий меросимизни барпо этиш мақсадида "Таълим тўғрисидаги" Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги "Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-4307-сон Қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларни мустақил ҳаётга дунёқараши кенг, фаол фуқаролар этиб тарбиялаш мақсадида мамлакатимизда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу концепциянинг мақсади - ёш авлодда мустақил ва бахтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантиришдан иборатдир.

Таълимни тарбиядан,тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-ҳунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради.

Ёшлар онги ва қалбида маънавий-ахлоқий тушунчалар чуқур ўрин олиши учун халқнинг миллий тарбия усуллари, буюк алломаларнинг жаҳон илмфанига қўшган ҳиссалари, бой илмий меросига мурожаат қилиш ўз самарасини

беради.

Инсоннинг маънавий-ахлоқий тарбиясида таълим-тарбия жараёнида

ўқитиладиган фанлар, оммавий ахборот воситалари, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам аҳамиятлидир. Талабаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, юксак эътиқод руҳида тарбиялашнинг муҳим омили сифатида тарбиявий ишлар методикаси фани фалсафа, психология, умумий педагогика, физиология, тарих, тил ва адабиёт каби фанлар билан боғлаб ўрганилади.

Ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялашга оид давлат сиёсатини амалга оширишни маънавий-ахлоқий тарбиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида, хусусан, олий таълим муассасаларида талабаларнинг онги, тафаккури ва дунёқарашини жамиятнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширувчи кучга айлантиришда маънавий-ахлоқий тарбия алоҳида ўрин тутади.

"Мамлакатимизда, – деган эди юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев, – амалга

оширилаётган барча ислоҳот ва ўзгаришлар, кенг кўламли дастурлар ягона ва

улуғ бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, ...фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялашдан иборат" [3; 412-б.].

Маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшларга оид давлат сиёсати замиридаги ёш авлодни тарбиялаш мақсади том маънодаги эзгулик ғоясидир. Ёшларнинг

билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун яратилаётган шарт-шароитлар

давлатимизнинг таълим-тарбия тизими марказида турувчи маънавий-ахлоқий

тарбия, аввало, шахс маънавиятини ривожлантириш масаласи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, юксак ахлоқий фазилатлар, маънавий етуклик ва маънавий қиёфани таркиб топтиришга хизмат қилади.

Маънавият ижтимоий ҳодиса сифатида биргина шахс онгига боғлиқ бўлмасдан, унинг тараққиёти, ривожи умуммиллий тажрибаси орқали амалга ошади. Маънавият жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, уни бир сўз билан ифодалаш ниҳоятда мушкул. Маънавият – инсон интеллекти ва руҳий оламининг уйғунлиги каби мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Маънавиятнинг моҳияти, амалий аҳамияти, айниқса, жамият ҳаётида тубислоҳотлар олиб борилаётган даврларда яққол кўзга ташланади. Давлатнинг куч-қудратини маънавий баркамол бўлган кишиларгина белгилайди. Халқ ва юрт манфаати ҳар бир ишда, хаттиҳаракатларда, ўзаро муносабатларда, жамоа турмуш тарзи ва тартибқоидаларини ҳурмат қилиб, унга амал қилишни тақозо этади.

Инсоният тараққиётида ахлоқ муҳим ўрин тутади. Шарқнинг буюк мутафаккирлари инсонни ахлоқий камол топтириш, уни ҳар томонлама ривожлантириш, маънавий қиёфасини шакллантириш жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири, деб қарашган.

Маънавий-ахлоқий тарбия – ёш авлодни халқнинг бой миллий-маданий,

тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга

асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиладиган тарбия.

Бизнингча, маънавий-ахлоқий тарбия – талабаларга жамиятдаги маънавий-ахлоқий меъёрлар мазмунини тушунтириш, ушбу меъёрнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини англатиш, уларда халқнинг миллий-маданий

қадриятларига асосланган ҳолда юксак инсоний фазилатларни таркиб топтириш, ижобий муносабатларга кириша олиш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда шахс сифатида ўзини-ўзи ривожлантириш компетенцияларини таркиб топтириш жараёнидир.

Бугунги кунда олий ўқув юртларида бўлажак мутахассисларни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш айниқса, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларда маънавий-ахлоқий компетентцияларни ривожлантиришга доир илмий-назарий маълумот ва амалий кўникма ҳамда малакалар билан қуроллантириш жараёнида, уларнинг маҳоратларини ривожлантиришни амалга ошириш муҳим ижтимоий-педагогик ҳодиса саналади. Ушбу муаммонинг ечилиши узлуксиз таълим тизими олдида турган муҳим педагогик вазифани ҳал этишда назарий асос бўлиб хизмат қилади. Жумладан:

- миллий қадриятлар асосини ташкил этган халқимизнинг миллий мероси, тафаккур тарзи, анъанаси, урф-одатлари маънавий-маърифий ва тарихий қадриятлар мазмунини ўрганишга талабаларни жалб қилиш;

- олий таълим муассасасида ўтказиладиган "Маънавият соатлари", "Тарбия дарслари" ва "Маънавият кунлари"да мазкур миллий қадриятлардан ўринли фойдаланишни такомиллаштириш;

- миллий қадриятларга содиқ қолиш, уларни асраб-авайлаш, кўпайтириш ва уларни кейинги авлодларга етказишни ҳар бир талаба онгига сингдириш;

- ҳар бир талаба-ёшда ўтмиш аждодлари олдидаги масъулият, бурчни англаш, миллат манфаати билан яшаш, Ватан тараққиёти, миллат обрўсига ҳисса қўшиш, фидойилик, ҳалоллик билан меҳнат қилиш, халқнинг шон-шуҳрати, элу-юрт равнақи учун курашиш ҳис-туйғуларини юксалтириш;

- олий ўқув юртларида ўқитиладиган "Педагогика", "Педагогик маҳорат" фанларини ўқитиш жараёнида миллий қадриятлардан фойдалниб, чуқур билим, ирода, имон-эътиқодли, жасур, ташаббускор, ишбилармон, сабр-тоқатли, ўзининг шахсий нуқтаи-назари, қадр-қимматини ҳимоя қиладиган касб эгаларини тайёрлашга эришиш;

- талабаларда ҳар бир қадриятнинг инсон шахсининг шаклланиши, айниқса, ёшларнинг фуқаро сифатидаги бурчи, масъулияти, ғурури, мавқега эга эканлигини кўрсатиш;

- миллий қадриятларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ва сиёсий ҳаётда тутган ўрнини талабаларга англатиш;

- талабалар орасида миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, унда ижодий тафаккурнинг жамият янгиланиши жараёнида майдонга келган шакл, метод, воситаларидан кенг фойдаланишни амалга ошириш.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, олий ўқув юртларида бўлажак мутахассисларда маънавий-ахлоқий компетентцияларни ривожлантириш жараёнини тадқиқ қилиш ўз ечимини кутаётган долзарб педагогик муаммолардан бири ҳисобланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир // Маърифат. – Тошкент: 2007 (8.12.07й.). – Б. 1-4.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 174 б.

3. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз (1-жилд). – Т.: Ўзбекистон. НМИУ, 2017. 592 б.

4. Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент.: Ўзбекистон. 2017. - 48 б.

5. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент.: Ўзбекистон. НМИУ. 2016. - 56 б.

6.R. I. Halimovna, K. S., Nurilloevna, M. O., Radzhabovna, K. D., Shavkatovna, R. G., Hamidovna The role of modern pedagogical technologies in the formation of students' communicative competence. // Religación. Revista De Ciencias Sociales Y Humanidades 4 No. 15 (2019): Special Issue May 261-265.

7. Г.Ш.Рахмонова Интегрированные уроки как средство формирования студентов// Научный журнал (Россия) "Вестник магистратура", 4-3(91) 2019 год с 86-87

8. Г.Ш.Рахмонова Некоторые вопросы обеспечения взаимосвязи методов и средств обучения в развитии образовательного процесса // Academy НАУЧНО- МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ №10 (49), 2019 с 41-44

9. Г.Ш.Рахмонова , З.Б.Жалилов Развитии духовно –нравственных способнестей у будущих учителей // ACADEMI научно-методический журнал № 12 (63),2020 С 63-65

10. Г.Ш.Рахмонова Компетенция воспитателя дошкольного образовательного учреждения Проблемы педагогики научно-методический журнал № 6 (51), 2020 с 54-56

11. Г.Ш.Рахмонова Improving Technologies To Develop Spiritual And Moral Competencies In Future Teachers // THE AMERICAN JOURNAL OF MANAGEMENT AND ECONOMICS INNOVATIONS (TAJMEI) SJIF-5.307 DOI-10.37547/TAJMEI ,2020 p 1-3